

DESCRIPTION OF THE IMAGES OF ORPHAN CHILDREN IN ASKAD MUKHTOR'S WORK "CHILDREN OF THE WORLD"

Safarova Zilola Tolibovna BSU
Senior Lecturer, Department of English Literature
safarovaenglishteacher@gmail.com

Abstract. Children's stories created by the talented writer Askad Mukhtor have served as an invaluable source for conveying noble human ideas in a unique, artistic form to the hearts of the younger generation. This article deals with Askad Mukhtor's collection of stories "Children of the World" and analyses artistic features of the depiction of children's image, their dreams and aspirations.

Key words: children's literature, orphan hero, orphanhood, short stories, social life, childhood.

Кириш. Маҳоратли адиб Асқад Мухтор яратган болаларбоп ҳикоялар олийжаноб инсоний қарашларни бетакрор, бадиий шаклда ёш авлод қалбига жо этишда бебаҳо сарчашма сифатида хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, адибнинг болаларга бағишлаб ёзган асарлари болалик дунёси, болалик оламининг сирли қирралари билан туташлиги боис алоҳида эътиборни тортади. Асқад Мухтор ижодининг серқирралиги яна шунда кўринардики, у ҳам катталар, ҳам болалар ёзувчиси сифатида шуҳрат топди.

Асосий қисм: Асқад Мухторнинг "Мардлик чўққиси" (1948), "Яхшиликка яхшилик" (1949), "Зар қадри", "Самандар" каби пьесалари драматургиямизда болалар ҳаётини, шунингдек, меҳнаткашларнинг турмушини ёритиб берганлиги билан муҳим аҳамият касб этади [1,5]. Асқад Мухтор ўзининг ҳар бир асарида янги мавзу танлаб, ҳаётнинг адабиётда акс эттирилмаган муҳим томонларини ёритишга, китобхонга янги гап айтишга интиланлигидан, унинг асарлари ғоявий мазмуни жиҳатидан ҳам, сюжет қилиши ва композицияси жиҳатидан ҳам ўзига хосдир.

Асқад Мухторнинг "Дунё болалари" ҳикоялар тўплами ва ундаги болалар образига хос характер-хусусиятлар, орзу-интилишларнинг бадиий тасвирланишига алоқадор бадиий қирраларни махсус тадқиқ қилиш замонавий ўзбек болалар ҳикоячилигининг ўзига хос бадиий қирраларини, тараққиёт хусусиятларини тушунишга ёрдам беради. Хусусан, бу

тадқиқот ўзбек болалар ҳикоячилигининг назарий асосларини ёритишда алоҳида аҳамият касб этади. “Дунё болалари” асарига киритилган ҳикоялар тўплами ранг-баранглиги, мавзуй жиҳатдан долзарблиги, халқ турмушининг муҳим даврларини ҳаққоний акс эттирганлиги, қатор бетакрор образлари билан адабиётимизни бойитди.

Ёзувчи ўз маҳоратини ошириш йўлида тинимсиз иш олиб борганлиги унинг “Дунё болалари” китобидаги ҳикояларида янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Асқад Мухтор бу цикл ҳикояларини Европа, Осиё ва Африкадаги бир қанча мамлакатларга қилган саёҳатларидан олган таассуротлари асосида ёзди. У чет эллардаги ҳаётни ўз кўзи билан кўриб, меҳнаткашларнинг оғир аҳволи билан яқиндан танишди. Саёҳатлар давомида уни айниқса чет эллардаги ёшларнинг жафоли ҳаёти кўпроқ қизиқтирди. Бу саёҳатлар натижасида ёзилган асарлари ёзувчи ижодини мавзу жиҳатдан бойитди. Шу билан бирга ўзбек адабиётида чет эл болаларининг аянчли аҳволини бадиий акс эттириш соҳасида катта воқеа бўлди.

“Дунё болалари” ҳикоялар тўпламида турли характердаги, турли кўринишдаги, турли ирқдаги, турлича мақсад ва интилишлар билан яшаётган ўсмир болаларнинг образи тасвирланган. Уларнинг аксарияти ёшлиқдан етимликнинг жабрини тортган, оғир ишларга жалб этилган, болаликнинг ширин ва ёқимли онларидан марҳум қилинган, зулм ва зўрлик кўриб яшаётган ёшлардир. Шунинг учун ёзувчи бу болаларнинг қалбидан кечаётган ширин орзуларни, эрк сари талпинишини, фаровон турмуш ҳақидаги ўй-кечинмаларини очиб беришга катта эътибор қаратади ҳамда шу орқали юртимиз ёшлари қалбида хур ва фаровон турмушимизга шукрона келтириш туйғусини уйғотишга ҳаракат қилади.

Асарда келтирилган дастлабки ҳикоя “*Пушкин бюсти*” бўлиб, унда ойиси билан яшайдиган Швецариялик 12-13 ёшлардаги Клариса исмли қизалоқнинг беғубор дунёси очиб берилган. Отаси дунёдан ўтиб, автобусда сайёҳларга таржимонлик қиладиган ойиси билан ёлғиз қолган бу қиз онасини хафа кўришни зинҳор истамайди. Қизчанинг ички ҳисларини муаллиф унинг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракатлари орқали кўрсатиб беради:

У онасининг қўлларидан маҳкам ушлаб олган эди, уни йўқотиб қўйишдан кўрқаятгандек тобора пинжигга кириб борар, бирор ҳалокат шарпасини сезган кийик боласидай қалтирар, кўзлари жавдирар эди. Онасининг кўнгли бузилганига шунчалик бесаранжом бўлди шекилли [2,5].

Бошқа бир “*Даҳшатли махлуқ*” деб номланган ҳикояда етим ва ожиз болалардан ўз манфаати йўлида шавқатсизларча фойдаланган ёвуз инсон қиёфаси тасвири келтирилади. Бундай хусусиятни бутун дунё адибларининг етим образлар ҳаёти ифодаланган аксарият асарларида учратиш мумкин. Асқад Мухтор томонидан ёритилган мавзу эса ўта долзарб бўлиб, ночор болаларга зулм ўтказган жаноб Деладьё образини “даҳшатли махлуқ”

сифатида таърифлайди ҳамда китобхон қалбида бу тоифа вакилларига нисбатан нафрат туйғусини уйғотади. Жаноб Деладье атайлаб ожиз ва мажруҳ етим болаларни танлаб олар, ҳатто ўзи улардан “майиб” [2, 27] тайёрларди. Гўёки, уларга ҳомийлик қилаётгандек уларни боқар, аслида эса болаларни турли маҳаллаларга тиланчилик қилишга юбориб, улар топиб келган пуллар ҳисобига тирикчилик қиларди. Бош қаҳрамон Абу-Диб ҳам жаноб Деладье қармоғига тушган болалардан бўлиб, у ўз кечинмаларини шундай тасвирлайди:

Разм солсам, ўртоқларимнинг ҳаммаси майиб экан. Ё мендай чўлоқ, ё қўли йўқ, ё букур, ё бўйни қийшиқ. Мени ваҳима боса бошлади. Қаердан тўпланган булар? Орада жуда хунуклери, “кўр ва қалтироқлари” ҳам бор эди. Мен ёмон тушлар кўра бошладим. [2, 26]

Таҳлилга тортилган навбатдаги “Рог элефент” ҳикоясида етим бола ва фил боласининг дарди, алами, тақдири бир хил бўлганлиги туфайли дўстлашиб кетишгани, бир-бирларидан нажот топишгани ҳақида фикр юритилади. Муаллиф бу ҳикоя орқали дард ва тақдир ўхшашлиги инсонларни яқинлаштириши, уларнинг бир-бирига малҳам бўла олиши мумкинлигини ёритиб беради:

Филча ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган гўдак эди. Лекин Жайя унинг кўз қарашларини ўзича тушунди: у ҳам етим, унинг ҳам онасини милтиқли соҳиблар ўлдиришди. [2,35]

Фил ўз дўстини ҳимоя қилиб, нақадар кучли садоқат эгаси эканлигини намоён этади, ҳикоя сўнгида “Рог Элефент”, яъни, “Қасоскор фил” номини олади.

Ёзувчининг мазкур ҳикояларига хос хусусиятлардан бири уларнинг ҳаммасида авторнинг ўз овози жаранглаб эшитилиб туришидир. Асқад Мухтор бу ҳикояларининг ҳаммасида асосий персонажлардан бири сифатида иштирок этади. Бу, биринчидан, мазкур ҳикоялардаги образларнинг янада жонли, ҳаётий чиқишини таъминласа, иккинчидан, тасвирда реализмни кучайтиришга ёрдам беради.

Муаллиф бу ҳикояларини ёзишда воқеаларни болаларга мос қилиб, уларнинг билим ва ёшини ҳисобга олган ҳолда баён этишга, сюжетни бир чизикли, композитцияни соддагина қилиб ишлашга алоҳида эътибор берган.

Навбатдаги “Бобо-набира” номли ҳикояда Жакартада “бечак” – “уч гилдиракли велосипед” [2, 50] хайдовчиси Банг-банг исмли ўспирин боланинг бошидан кечирганлари тасвирланади. Олти ёшлигида япон жосуслари бобосини олиб кетишади, бир йилдан кейин кўзлари кўр ҳолда қайтиб келади. Банг-банг бутун умрини шу бобосини азият чекишдан асраб, унга бор меҳри билан ғамхўрлик қилиб ўтказади. Бу ҳикояда иродаси мустаҳкам, бағрикенг болакайнинг ҳаёт ташвишларини мардонавор енгиб ўтишга куч топгани ўз ифодасини топган.

Етим бола образи бош қахрамон бўлган яна бир “Деразадан боққанда” ҳикоясида ҳам ожиз етим меҳнати оёқ ости қилинади. Бу ҳикояда Асқад Мухтор ёш қизалоқни оғир меҳнат қилдириб, ҳақини бермаган ноинсоф киши қиёфасини гавдалантиради. Қизалоқнинг аҳволини муаллиф шундай тасвирлайди:

Қизиган асфальтда яланг оёқ бир қиз бола келяпти. У жуда ориқ, икки букилганча елкасида ўзидан ҳам оғир юкни – бамбук қутичада эликтача бўш шишани орқалаб келяпти [2, 68].

Болани кузатиб турган муаллиф унинг чаққонлиги ва эпчиллигини кичкина вужуддаги дармоннинг энг сўнги қатрасигача сарфланганлик ҳолати сифатида ифодалайди. Аммо, унинг бу жонкуярлигига аҳамият бермаган йигит келишилган пулни тўлаш ўрнига, уни туртиб юборади. Ҳикоя сўнгида келтирилган сатрлар ҳар бир инсоннинг юрак бағрини эзиб юборади:

Бола ҳафсаласиз, оқсоқланиб зинадан туша бошлади. Унинг изларидан қон изи қолди. Товонини шиша тилган эди [2, 68].

Хулоса. Юқорида тилга олинган ҳикоялардан ташқари, “Менинг ватаним борми”, “Кактус” ва “Курашаман ва енгаман” сингари бир қатор ҳикояларда ҳам етим болаларнинг матонати ҳамда ёлғизлигига қарамай ҳаётда ўз йўлини топа олгани қаламга олинган. Келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Асқад Мухтор асаридаги ҳикояларнинг аксариятида етим болалар образлари мавжуд ва улар хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Жумабоев М. Болалар адабиёти ва фолклор. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – 216 б.
2. Асқад Мухтор. Дунё болалари. Ҳикоялар. – Т.: “Ёш гвардия” нашриёти, 1990. – 94 б.
3. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари.–Т.: Ўзбекистон, 2008. – 532 б.
4. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. – Т.: “Фан”, 1993. – Б.108-110.
5. Сафаров О. Болалик куйчиси. – Т.: “Фан”, 1978. – 168 б.
6. Сафарова З. The analysis of orphan images and orphan hood in children`s literature. Бухоро илмий ахбороти, № 6 2020.
https://buxdu.uz/docs/jurnallar/ilmiy_axborot/ilmiy_axborot_6_son_2020.pdf#page=219
7. Файзуллоев О. М. ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ИНТЕРПРЕТАЦИИ УЗБЕКСКИХ СКАЗОК //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 12. – С. 212-215.

8. Fayzullayev M.B, Fayzulloyev O.M, & Saidova M.M. (2021). Images of animals in the Legends of Haji Nasretidin. Middle European Scientific Bulletin, 10(1). <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.10.328>